

ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ТАРЖИМА КИЛИШ УСУЛЛАРИ

Пўлатова Ўзгилхон Собиржон қизи
Андижон давлат тиббиёт институти
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада юридик терминларнинг таржима килиш усуллари бўлмиш транскрипция, транслитерация усулларидан фойдаланиш мисоллари билан ёритилиб берилган. Таржима жараёнидаги сўзлардаги харфлар ўзгариши ва уларни тиллар кесимида таснифланган.

Калит сўзлар: транскрипция, транслитерация, термин, тил

Таржима жараёнида аслият тили ҳоҳ ўзбек, ҳоҳ инглиз ёки бошқа тил бўлсин, асл шаклда бериб, жорий бирликка изоҳловчи ҳавола (сноска) ёрдамида ифодалаш орқали тўлиқ баёнини тақдим этиш терминни тўлалигича ёритиб беради. Таржима жараёнида *умуман мос келмаслик* ҳодисаси бир нечта усулларни таржимонларга ҳавола этади. Мазкур усуллар муайян соҳа таркибида таржима жараёнлари механизмини енгиллаштиришга хизмат қилади. Таҳлилларимиз асосида юридик соҳасига оид терминлар таржимасида лексик жиҳатдан қуйидаги усуллар кўпроқ кузатилади:

- 1) транскрипция;
- 2) транслитерация;

Таржима транскрипцияси жараёни бу тилнинг фонемаларидан фойдаланган ҳолда асл лексик бирликнинг расмий фонемик ўзлаштириш, асл сўзга фонетик тақлиддир. Мазкур жараён соҳа терминлари таркибида ҳам кўплаб кузатилади. Манбалар асосида қуйидаги маълумотларни топдик. Мазкур лексик бирлик лотинча “transcriptio” - *кўчириб ёзиш*, деган маънони англатади. Вазифасига кўра, ёзувнинг нутқ товушлари талаффузини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган сунъий (шартли) тури; нутқ бўлаклари (товуш, бўғин, сўз)нинг фонетик ифодаларини ёзувда аниқ акс эттириш усули. Транскрипция лингвистик функциясига кўра икки турга бўлинади: илмий ва амалий транскрипция. Муайян миллий алифбо воситалари орқали бошқа тиллардаги атоқли отлар, терминлар, махсус номлар ва шу каби таржима қилинмайдиган сўзларни амалий транскрипция орқали акс эттирилади ва шу йўл билан уларни қабул қилувчи тилнинг босма матнларига киритилади. Амалий транскрипцияга қўйиладиган асосий талаблардан бири қабул қилинаётган лексик бирликнинг талаффузини, мофемик тузилишини, график хусусиятларини имкон қадар аниқ сақлаб қолиш

ва шу орқали бирликнинг бошқа тилда осон ўзлашишини таъминлашидир¹. Мисол учун, *jury* - *жюри* (гувоҳларни тингловчи махсус гуруҳ, танланган ҳакамлар ҳайъати); *archive* - *архив* (маълумотлар тўплами турадиган жой); *addressee* - *адресат* (расмий мурожаат қилинган шахс, манзил); *accept* - *акцент* (оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби); *parliament* - *парламент* (олий қонун чиқарувчи орган); *speaker* - *спикер* (парламент қўйи палатаси раис); *clearing* - *клиринг* (ҳисоб китоб қилиш); *consulting* - *консалтинг* (мутахассис томонидан юридик маслаҳат); *courier* - *курьер* (хат ташувчи ҳодим); *apostille* - *апостиль* (ҳужжатларга қўйиладиган махсус юридик штамп).

Транскрипцияга доир бу каби мисолларни расмий матнларда, оммавий ахборот воситалари материалларида ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, Наманган вилояти ИИБ томонидан 2021 йил 17 апрельда чоп этилган мақоласи қўйидагича номланган: “*Шантаж йўли билан 20 миллион сўмга эга бўлмақчи бўлган шахслар ИИБ ходимлари томонидан тузоққа туширилди*”.² Келтирилган мисолда, *шантаж* (жиноятчи ёки товламачлар томонидан маълум мақсад йўлида махфий маълумотларни ошкор этиш орқали кўрқитиш) - *chantage* терминининг транскрипциясидир.

Инглиз тили: *Following new requirements, modernization of the Codes on criminal, administration violations, civil and arbitrage court* (Cambridge English Corpus) - **тарж.:** *Янги талаблардан келиб чиқиб, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги, фуқаролик ва ҳакамлик судлари тўғрисидаги кодексларни модернизация қилиш.*

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, таржима жараёнида транскрипция усули орқали ўтган лексик бирликлар товуш ўзгариш қонуниятига бўйсунди. Масалан, италян тилидаги *bancarotta* термини инглиз тилига таржима қилинганда, *ассимиляция* – товушларнинг ўхшашидан фойдаланиш ҳодисаси (*o* → *u*), *эпендеза* – таркибда йўқ товушларнинг орттирилиши (*p* нинг ортиши) ва *диаре́за* – товушларнинг тушириб қолдириш ҳодисалари кузатилади (*a, t, a* товушларининг тушириб қолиши). Хусусан, *bancarotta* – *bankrupt* (юридик мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир бўлмаган шахс ёки ташкилот). Ўзбек тилига таржимасида эса, *bancarotta* - *банкрот* термин таркибда мавжуд *a, t, a* товушларининг тушиб қолиши орқали, фақат *диаре́за* ҳодисаси кузатилади. Таржима транскрипциясидан фойдаланиш жараёнда товушларнинг микрокатегориал ўзгариш мазмунга таъсир этмайди, бироқ лисоний ҳодиса сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

¹ Суперанская А. В., Теоретические основы практической транскрипции, М., 1978.

² <https://namviib.uz>

Таржимада транслитерация жараёни бу аслиятдаги терминнинг график структурасини ҳарфма-ҳарф ўзлаштириб қўллаш жараёнидир. Масалан, *congress* - **конгресс** (А.Қ.Ш.нинг миллий қонун чиқарувчи органи); *reglament* - **регламент** (муайян тартиб қойида); *codex* - **кодекс** (қонунлар тўплами); *tribunal* - **трибунал** (ҳарбий ёки дала суди; айрим хорижий мамлакатларда конституциявий назоратни амалга оширувчи орган); *contract* - **контракт** (юримдик битим, келишув); *monitoring* - **мониторинг** (сўровнома, таҳлиллар асосида назорат қилиш).

Собиқ шўролар даврида рус тили орқали ва рус тилининг ўзидан ҳам юримдик соҳасига бир қанча лексик бирликлар соҳа лексик қатламига транслитерация ва транскрипция жараёни орқали таржима қилиниб келинган, жумладан, *распрата* – **распрата** (қонунга хилоф равишда ўзганинг мулкани сотиш, сарфлаш, истеъмол қилиш, ҳадя қилиш ва бошқа йўллар билан бегоналаштириш).

4) **Номутаносиб лексик мувофиқлик** бир қарашда ғализ туюлсада бу таржимада бу каби терминлар мавжуд. Ушбу бирликлар умумистеъмол сўзлари таркибида қўлланилганда одатий таржимага эга, соҳа таркибида термин бўлиб қўлланилганда эса бошқа маъно берувчи бирликлар. Соҳага доир шундай сўзлардан бири *punishment* бўлиб, унинг *жазо* маъносида таржима қиламиз. Мисол учун, **инглиз тили:** *Everybody eventually gets his reward or punishment* - **тарж.:** *ҳар бир инсон охир - оқибат ўз мукофотини ёки жазосини олади*. Термин сифатида *punishment* – **жамгарма** маъносида ҳам таржима қилинади. Бироқ бу иқтисод соҳасига тааллуқли термин ҳисобланади.

Бугунги кунда соҳага оид адабиёт, ҳужжат ва кодексларда ёхуд луғатлардагина эмас, балки аждодларимиз томонидан ёзилган илмий, тарихий ва бадий асарларнинг чет тиллар, хусусан, инглиз тилига ўгирилган нусхаларида ҳам соҳа терминларини учратиш мумкин. Афсуски, таржима амалиётида фойдаланиш учун юримдик соҳасига оид терминларнинг лексик-семантик, функционал-структура хусусиятларини қамраб олувчи икки тилли (инглизча - ўзбекча, ўзбекча - инглизча) мукамал луғатлар ҳанузгача яратилган эмас.

Хулоса. Гарчи расмий бўлмасида, ўзбек тилида маданий ва урф-одатга доир юримдик терминлар инглиз тилига нисбатан салмоқлидир. Уларни бошқа тилга таржима қилиш жараёнида семантик жиҳатдан ёндашиш талаб этилади. Қолаверса, терминнинг ифода билан берилиши таржима адекватлигини таъминлайди.

Таржима жараёнида алият тилидан таржима тилига транскрипция, транслитерация усули орқали ўтган лексик бирликлар ассимиляция, эпендеза, диарепа, гапология каби турли товуш ўзгариш қонуниятига бўйсунди. Транскрипция ва транслитерация жараёнида бу каби микрокатегориал товуш

ўзгариши терминнинг мазмунга таъсир этмайди, бироқ лисоний ҳодиса сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Суперанская А. В., Теоретические основы практической транскрипции, 1978.
2. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти, Ўзбекистон НМИУ. -Т.: 2010. - Б 264.
3. Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма тадқиқи: Филол. фан. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 12 б.
4. Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. –